

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 ЖИЛД, 4 СОН**

---

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**ТОМ 3, НОМЕР 4**

---

## **LOOK TO THE PAST**

**VOLUME 3, ISSUE 4**



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов**

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


<b>1.Доно Зияева</b> XIX АСР БУХОРО АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛИК FOЯЛАРИ.....	4
<b>2.Шоҳистахон Ўлжаева, Нодира Алимұхамедова</b> РАҚАМЛИ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ.....	10
<b>3.Муродилла Ҳайдаров</b> ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ АСОСЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	19
<b>4.Гулнора Гулямова</b> XV-XVI АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	28
<b>5.Арслон Нафасов</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ.....	36
<b>6.Ойбек Остонов</b> ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ (XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ).....	44
<b>7.Умиджон Усаров</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲВОЛИ.....	60
<b>8.Зиёдулла Холбоев</b> ҚАЛИЯТЕПА ЁДГОРЛИГИДА 2019 ЙИЛ ОЛИБ БОРИЛГАН ДАСТЛАБКИ ҚАЗУВ ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА.....	71
<b>9.Davlatbek Qudratov</b> ИККИНЧИ ЈАНОН URUSHI ХОТИРАСИНИ АСРАВ-АВАЙЛАШ YOSHLARNI TARBİYALASHDA TUTGAN O'RNİ.....	83
<b>10.Гўзал Раззоқова</b> ДИНИЙ ХАЛФАЛАРНИНГ ХОРАЗМ ХАЛИФАЧИЛИГИДАГИ ЎРНИ.....	89
<b>11.Дилшода Рўзиева</b> ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ - МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	96
<b>12.Сафарали Қўшоқов</b> ЧОРВАДОР ҚАБИЛАЛАР ДАФН МАРОСИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	104

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Гўзал Раззоқова Қодировна,  
Жиззах давлат педагогика институти  
катта ўқитувчиси

## ДИНИЙ ХАЛФАЛАРНИНГ ХОРАЗМ ХАЛИФАЧИЛИГИДАГИ ЎРНИ

*For citation: Guzal Razzakova Kadirovna, PLACE OF A WOMEN-EXECUTOR - HALFA BOOK IN KHOREZM OASIS. Look to the past. 2020, vol. 4, issue 3, pp.89-95*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-4-10>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Хоразм халфачилик санъатининг шаклланиш тарихи, халфачилик санъатида аёл халфаларнинг ўзига хос ўрни, диний халфаларнинг маросимлардаги фаолияти ёритилган. Хоразмда аёл кўшиқчилар "халфа" деб юритилади, улар фақат ашула айтиш билан чекланмаганлар, чунки халфалар санъатнинг кўп турларидан хабардор бўлганлар, улар хотин-қизлар ўртасида ранг-баранг халқ кўшиқлари, мумтоз ашулалари, шоирларнинг газалларини ва ошиқлик дostonларидан парчалар куйлашган, диний мавзуда суҳбатлар қилишган. Халфалар бу даврада асосан халқ дostonларини ўқиш билан бирга уларни мусиқа жўрлигида маромига етказиб куйлаб ҳам берадилар.

**Калит сўзлар:** халфачилик санъати, диний халфалар, қиссахон, қироатхон халфалар, дафн маросими, диний мазмундаги китоблар, мотам, таъзия, диний тадбирлар.

---

Гузал Раззакова Кадировна,  
Старший преподаватель Джизакского государственного  
педагогического института

**МЕСТО ЖЕНЩИНЫ-ИСПОЛНИТЕЛЬНИЦЫ - ХАЛФА  
КНИЖНИЦА В ХОРЕЗМСКОМ ОАЗИСЕ**

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассказывается что, в Хорезмской области Узбекистана исполнительница народных песен и народно-эпических сказаний, а также отрывков из дастанов и их песен называют халфа. Халфачилик - искусство халфа сформировалось и получило развитие в Хорезме в средние века. В XIX - XX века данное искусство приобретает свой статус и форму исполнительства, которое функционировало женщинами на женской половине "ичкари". Позднее они стали обслуживать семейные торжества и народные праздники. Халфа - это женщина - исполнительница народных песен и инструментальной музыки, одновременно эпическая сказительница и поэтесса в Хорезмском оазисе, вобравшие в себя традиции устного народного творчества.

**Ключевые слова:** искусство халфа, женщина-исполнительницы, халфа китобий-халфа книжница, старинные книги религиозного содержания, поминка, религиозная деятельность, мероприятия.

**Guzal Razzakova Kadirovna,**  
Senior Lecturer of Jizzakh State  
pedagogical institute

**PLACE OF A WOMEN-EXECUTOR - HALFA BOOK IN  
KHOREZM OASIS****ABSTRACT**

The article says that, in the Khorezm region of Uzbekistan, the performer of folk songs and folk epic tales, as well as excerpts from dastans and their songs, are called half. Khalfachilik - the art of half was formed and developed in Khorezm in the Middle Ages. In the nineteenth and twentieth centuries, this art acquires its status and form of performance, which was functioned by women in the female half of the Ichkari. Later they began to serve family celebrations and public holidays. Halfa is a woman - performer of folk songs and instrumental music, at the same time an epic storyteller and poetess in the Khorezm oasis, which have incorporated the traditions of oral folk art.

**Index Terms:** half art, female performer, half-whale-half-half book scribe, ancient books of religious content, wake, religious activity, events.

**1. Долзарблиги:**

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ноқ халқимизни маънавий юксалтириш, миллий қадрият ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш ва уларни келгуси авлодларга етказишга биринчи галдаги долзарб вазифалардан бири сифатида қаралди ҳамда бу борада кенг қамровли ислохотлар олиб борилди [1]. Ўзбек халқи маданиятининг бой тарихини билиш, уни тўлақонли ўрганиш, маданиятимиз ривожини учун асосий мезон саналади. Ўзбек халқи маданияти серқирра бўлиб, ниҳоятда салмоқли мазмун ва моҳиятга қамраб олади. Жами маданиятимиз сингари халқ оғзаки ижоди ҳам ўзида ворисийликни мужассам этар экан, унда ижро, мусиқа арбоблари, шакл ва турларининг тарихан ўзгариб боришини кузатиш мумкин. Халқ маданияти таркиби жамиятнинг деярли барча соҳасини қамраб оладики, олимлар талқини билан таснифлаганда: "халқ маданияти кенг, серқирралиги ва мураккаб ижтимоий-тарихий воқелик сифатида халқ, миллат, этносларнинг ҳаёт тарзини гнесеологик

тажрибаси, тафаккури, тили, дини, ахлоқи, одоби, маънавияти, урф-одатлари, байрамлари, анъаналарини ўз ичига олувчи, ижтимоий-маданий борлиғидир". Шу ўринда Хоразм воҳасигагина хос бўлган халфачилик санъати алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, қадимий Хоразм халқи Ўрта Осиёда ўзига хос юксак маданияти билан катта из қолдирган. Хоразм санъаткорларининг қадим замонларга бориб тақаладиган нафис санъати "халфачилик" ҳам кўп асрлар давомида сайқал топиб, оммани ўзига жалб қиладиган сеҳрли кучга айланган. Деярли 3000 йиллик тарихга эга муқаддас "Авесто" китобида (хусусан унинг "Яшта" ва "Виспарт" бўлимларида) қадим Хоразм санъати, тўй ва маросимлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. "Авесто"ни ўқиб, уларни хотин-қизлар даврасида тарғиб қилган аёлларни ҳам "қалпа" деб аташган. Ислом дини кириб келгач, Хоразмда мусулмончилик урф-одатларига мослашган халфачилик, дostonчилик ҳамда шу тарзда бизгача етиб келган услублар жорий этила бошланди. Шариат асосларини тарғибот қилувчи ҳар хил қиссалар, қўшиқлар, хикоялар, дostonлар номалардан "Бобо Равшан", "Пайғамбарлар ҳикояти", "Султонбобо хикояти", "Мерожнома", "Юсуф ва Зулайхо", "Жухуд ўғлон" каби мусиқий жихатдан бой дostonлар яратилиб кенг тарқалди.

Халқ тарихи билан боғлиқликда шаклланиб келган халфачилик санъатида аёл халфаларнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлган. Хоразмда саводхон, гапга чеган, айни пайтда хонандалик қобилиятига эга бўлган зукко аёлларни "халфа" деб юритишади. Маълумки, халфа қўшиқлари халқ руҳини, халқ орзу-армонларини ёрқин акс эттириб, одамлар юрагига таъсир этиб хусусан аёллар томонидан ижро этиладиган санъат тури бўлган. Меҳнаткаш омманинг озодлик ва бахт учун кўрашида мадаккор бўлиб, халқнинг дарди айниқса, аёлларнинг ҳаёти, ноҳақлик, аёлларнинг манфаати куйланган, гоёларни жонли гавдалантириб содда, равшан тил билан куйларга солиб бадиий шаклда тараннум қилган жанрдир. Ҳар бир маҳаллий услуб ўз хусусиятлари ва анъаналарига эга бўлганидек, фақат Хоразм маҳаллий услубига хос бўлган халфачилик санъат тури анъаналари эса узоқ даврлар мобайнида шаклланиган. Улар халқимизнинг турли шароитлардаги турмуши, меҳнат машғулотлари маросим ва урф-одатлар жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда юзага келган.

Мазкур санъат турининг ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашдаги аҳамияти мавзу долзарблигини белгилайди.

## 2. Тадқиқот усуллари ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқотда қиёсий, тарихий таҳлил усуллари асосида Хоразм халфачилигида диний халфаларнинг ўрни тадқиқ этилди. Мавзу бўйича профессор М.Саидов, тадқиқотчилар С.Рўзибоев, Н.Сабуров ва Б.Мадримовлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

## 3. Тадқиқот натижалари:

Халфачилик жозибали ва навқирон аёллар санъати сифатида Хоразм воҳасида (ҳозирги кунда Хоразм вилояти ва Қарақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа вилояти) кенг давом этмоқда. Халфачилик намояндалари Биби шоира, Ожиза халфа, Хонимжон халфа, Онажон Сафарова, Назира Собирова, Розия Матниёз қизи, Саодат Худойберганова, Пошшо Саидмамат қизи, Амбаржон Рўзиметова, Аноржон Раззоқова ва б. Халфачилик нафақат анъанавий "устоз-шогирд" мактаблари, балки замонавий Хива мусиқа мактаблари, Урганч ва Эллиққалъа санъат коллежларида, жумладан, Хивада шаҳрида ташқил этилган "Халфа" қизлар

мактаби орқали ўзлаштирилмоқда. Халфа ижрочилари танлови Хоразмда ва Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа вилоятида "Нафосат бўстони маним" номли фестивали доирасида (2013 йилдан) ўтказилмоқда. Хоразмлик халфалар ўз санъати ва ижрочилик маҳоратларини "Бойсун баҳори" Очиқ фольклор фестивали, "Асрлар садоси" Анъанавий маданият фестивали ва "Шарқ тароналари" Халқаро мусиқа фестивалларида намойиш этмоқдалар. Халфачилик санъати фестивали Хива шаҳрида 2016 йилда ўтказилган.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Хоразм вилоятининг Хива шаҳридаги Ичан қалъа мажмуасида 2016 йилнинг 3 июнь куни "Халфачилик: анъана ва замонавийлик жиҳатлари" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани ҳамда халфа кўшиқлари ижрочиларининг биринчи республика кўрик-танлови бўлиб ўтади. Кўрик-танлов Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ташаббуси билан "Олтин мерос" халқаро хайрия жамоат фонди, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Хоразм вилояти ҳокимияти ҳамда Маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш, 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрь "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги 222-сон қарорининг ижросини таъминлаш [9], халфачилик санъатини илмий ўрганиш ва уни ривожлантириш, халқ ижодиётида қайнар булоқ бўлган фольклор кўшиқчилигининг зилол янглиғ сарчашмаларидан бири ҳисобланган халфачилик санъатини келажак авлодга асл ижрочилик анъанасини йўқотмаган ҳолда етказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методика маркази томонидан зарур қўлланмалар яратиш, ўқув семинарлари, анжуманлар ва бошқа тадбирлар ташкил этиш, Наврўз байрамлари учун ҳам халфаларнинг алоҳида дастурларини тайёрлаш, бу сержило санъатдан халқимизни янада кўпроқ баҳраманд этишдан иборат бўлди.

Халқимиз азалдан тинчлик-осойишталикни, дўстлик ва ҳамжиҳатликни юксак қадрлаб келган. Аждодларимиздан мерос қолган урф-одатлар, байрам ва маросимлар, куй-кўшиқларда ҳам халқимизга хос бундай юксак фазилатлар яққол намоён бўлади.

- Хоразм халфачилик санъати ўзлигимизни намоён қилувчи қадриятларимиздан биридир, - дейди Хоразм вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Шокир Мадаминов. - Бу йўналиш Хоразм кўшиқчилиги санъатида алоҳида ўрин тутиб, халфалар эпик асарлар, терма ва лапарларни ўзига хос усулда куйлаб келган. Кўшиқчиликнинг бу йўналиши асосан аёллар орасида кенг тарқалган ва шу йўналишда кўшиқ айтадиганлар халфа дейилган. "Халфа" сўзи турли даврларда турли шаклларга эга бўлиб, унинг луғавий маъноси "куйловчи", "етакчи" маъноларини англатган.

Халфачилик санъати уч турга бўлинади, яъни ижодкор шоира халфалар, ансамбли халфалар ва китобий якка халфалар. Биринчи тоифадаги халфалар халқ дostonлари ва ўзлари ёзган шеърларга куй басталаб, ижро этади. Ансамбли халфалар жамоаси кўпинча уч кишидан иборат бўлиб, устоз халфа гармон чалиб ашула айтган, доирачи унга жўр бўлган, раққоса қайроқ билан рақсга тушган. Бу

хил халфалар халқ достонлари, тўй қўшиқлари, лапар, ялла ва бошқа ижодкорлар асарларини гармон ва доира жўрлигида кўйлашади. Якка халфалар эса достон қўшиқларини созсиз ижро этади.

Халфа қўшиқлари ижрочиларининг биринчи республика кўрик-танловида Хива туманидан Зумрад Мадримова биринчи ўринни қўлга киритди. Пошшажон Иброҳимова ҳамда Раъно Оллоберганова иккинчи ўринни эгаллади. Истаргул Бекманова, Санобар Қиличева, Матлуба Отажонова учинчи ўринга сазовор бўлди [1].

Аслида "халфа" (арабча) сўзининг луғавий маъноси "эргашмоқ", "ўрнини босмоқ", "ўринбосар", "давомчи", "ноиб" демакдир [3]. Бир қанча тадқиқотчилар ўзларининг хулосаларида халфалар ҳақида шундай фикрлар билдирадилар: Н.Сабуров халфаларнинг ижрочилик санъатига қараб, 2 гуруҳга: санъаткор ашулачи халфалар ва қироатхон-қиссахон халфаларга бўлса, профессор С.Рўзибоев 3 гуруҳга: ижодкор, достончи халфалар; ижрочи-созанда халфалар; қироатхон-қиссахон халфаларга бўлинади. Ушбу мақоламизда қироатхон-қиссахон, яъни диний халфаларга тўхталиб ўтамиз.

Хоразмнинг доврўғини дунёга танитишда санъаткор аёллар халфачилик анъаналари орқали муносиб ҳисса кўшиб келишган. Буни аёллар ўртасида қадимий бетакрор халфачилик мактаби кенг ривожланганлигида ҳам кўриш мумкин. Хоразмда хонандалик қобилиятига эга бўлган оқила аёллар "халфа" деб аталиб, "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да шарият ақидаларини яхши билувчи, ўқимишли киши тарзида шарҳланган. Дарҳақиқат, "луғат"даги шарҳ билан биз тилга олаётган халфалар фаолияти маълум даражада алоқага эгадир.

Халфа сўзининг тарихий илдиэлари қадимий зардўштиийлик ва Муҳаммад (с.а.в.) пайгамбар асос солган VII аср мусулмон феодал давлат халифаликка бориб тақалади. Профессор М.Саидовнинг ёзишича, ҳазрати Али (розияллоҳу анҳу)нинг қаҳрамонона саргузаштларига бағишланган бир туркум достонлар араб тилидан туркий тилларга таржима қилган. Бизгача бу достонлар бир қанча вариантларда етиб келган [4].

Араблар ислом ақидаларини тарғиб қилиш воситаси сифатида достонлардан ҳам фойдаланишган. Бадиий достонлар ўша даврларда қиссахонлар томонидан катта халқ йиғинларида ўқилган. Аста-секинлик билан оилавий, маиший маросимларда ҳам бу достонларни ўқиш расм бўлди-да, саводхон аёллар ўз йиғинларида ёддан ёки китобдан ўқий бошлаганлар.

Шу тариқа достонларнинг қироатхон-қиссахон халфалар томонидан ижрочилиги юзага келган. Ҳолбуки, достонларнинг қироатхон-қиссахонлар томонидан ижро қилинишига исломгача бўлган даврларда замин тайёрланган эди. "Авесто"даги маросимларни ижро қилишда қатнашган аёллар ижрочилиги шаклланиши ва кейинги катта тараққиётга омил вазифасини ўтаган, дейиш мумкин.

Диний маросимларда халфалар иштироки динга оид урф-одат, анъанана, қарашларни ўзида жамул-жам этиб, кўпинча панд-насихат тарзида айтилган сўзлари хотин-қизларнинг дунёқарashi, билим-савияси, ижодкорлигининг ошиб боришига ҳам ҳизмат қилган [5].

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида истиқомат қилувчи диний халфа Клара Қурбонбоева билан бўлган суҳбатда шундай дейдилар: Диний халфалар Хоразм воҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл, Беруний туманларида азаларда, дафн маросимларида "Рисолаи руҳнома", "Охират озиғи" китобларидан ўқилиб, одамларни сабр-бардошли, меҳр-оқибатли ва бошқа

инсоний фазилатли бўлишига чақирди.

Шунингдек, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар, одоб-ахлоқ масалаларига доир мулоҳазалар, насиҳатлар ҳам тилга олинади. Диний халфалар онани рози қилиш ҳақидаги мавзулардан ҳам панд-насиҳатлар ўқийдилар. Масалан, Муовия ибн Ҳайида (розияллоҳу анҳу) айтадилар: Расулуллоҳдан "кимга яхшилик қилай?", деб сўрадим. "Онангга", дейдилар [6]. Шу саволимни 3 марта қайтарсам ҳам, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Онангга", деб жавоб қилдилар. 4 марта сўраганимда: "Отангга", дедилар. Диний халфаларимиз бебаҳо насиҳатлари билан жуда кўп хонадонларга тинчлик, хотиржамлик, мурсаи-мадорали бўлишга ундайдилар.

Дафн маросимларида иштирок этувчи диний халфалар асосан, Хоразм воҳасида ва Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл, Беруний, Эллиққалъа туманларида кенг тарқалган бўлиб, улар таъзия бўлган хонадонда марҳум чиқиб кетганидан кейин "Учи" ва "Етиси" каби маросимлар оралигида диний китоблардан ўқилиб, шу хонадоннинг эгаларини сабр-бардошли бўлишига ундашади. Ислом таълимотидан бизга маълумки, инсон бу дунёни тарк этганидан кейин унинг орқасидан келган яқинлари дод-вой солиб, ғам-андухга тушиши мумкин эмас, чунки булар динда ман қилинган. Агарда бу кўрсаткич қоидаларига амал қилинмаса, "бу дунёдан ўтган одамнинг у дунёда руҳи азобланади", деган фикрлар диний китобларда кўрсатилиб ўтилган. Таъзия-мусибат аҳлига тасалли бериш, мусибатга сабр қилишда ажр борлигини эслатиш, аҳолининг ҳукмига рози бўлишга тарғиб қилишдир. Унинг ҳукми эса, эр ва аёл кишига қуйидаги ҳадиси шарифга асосан мустаҳабдир: Яъни, "кимки мусибат етган биродарига таъзия билдирса, мусибат етган кишига бериладиган савоб берилади" [7]. Шунингдек, дафн маросимларида йиғи кўшиқлари ҳам айтилган. Ушбу кўшиқлар азаларда айтилиб, баъзан "Марсия", Хоразмда "Айтимчилик" деб ҳам номланган. Улар бирор киши вафот қилганида йиғи билан бирга айтилади: Инсон шодланса ҳам, қийналса ҳам кўшиққа мурожаат этади. Кўшиқ инсонга худди алла каби таъсир қилади. Кўнглига тасалли беради, инсонни алқайди. Шодлиги ва қайғусини бошқалар билан баҳам кўришга ёрдам беради [8].

Бундан ташқари, қироатхон-қиссахон халфалар "Мавлуд" маросимларида ҳам иштирок этадилар, Муҳаммад (с.а.в.) васиятларидан ўқиб, маросимни ўтказадилар. Ислом дини эътиқодига кўра, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбаримизнинг туғилган куни "Мавлуд" маросими сифатида нишонланади. Шу сабабдан, бу кунни "Мавлуд" (арабча, "мавлуд"-туғилиш), ёки "мавлуд ан-набий" (пайғамбар мавлиди), ёки мавлуд-ош-шариф (қутлуғ мавлид) деб аталади.

"Мавлуд" маросимида ҳам маълум тарихий-ижтимоий воқелик акс этган. Бундан ташқари, "Мушкул-кушод" маросимларини ҳам диний халфалар ўтказадилар. "Мушкул-кушод"нинг маъноси "мушкуллари осон бўлсин, ишларининг омадини берсин" мазмунида бўлиб, бу маросим олиб борилади. "Халфа китобий"лар "Улли пир", "Мушкулкушод" каби маросимларда "Ғавсули Аъзам", "Пайғамбар ҳикояти", "Бобо Равшан", "Биби сешанба" ва бошқа диний мавзудаги китобларни якка ҳолда ўқиб аёллар дардини енгиллаштиришган.

#### 4. Хулосалар:

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, диний халфалар ўзларининг фаолиятлари давомида миллий-қадрият ва диний урф-одатларимизни авайлаб-асраш, одоб-ахлоқ масалаларига доир насиҳатлари билан Хоразм халфачилигида муносиб из қолдирдилар. Халфа санъатининг ўзига хос қирралари замон талабларига мувофиқ шаклланган ва ривожланган. Хоразм воҳасида илгаридан

бери давом этиб келаётган анъанага мувофиқ халфалар ижод қилганлар. Улар устоз шогирд услубида ўз ижодларини биладиган қўшиқ ва дostonларни шогирдларига ўргатганлар.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

1. Халфачилик - ўлмас санъат // <http://uza.uz/oz/society/khalfachilik-lmas-sanat-03-06-2016>
2. Раззоқова Г. Хоразм халфачилиги санъати тарихи. Рисола. -Тошкент, 2016. (Razzoqova G. History of the art of Khorezm caliphate. Risola. -Tashkent, 2016).
3. Арабско-русский словарь. М., Тос.изд. Национальный словарь. 1858г. (Arabic-Russian dictionary. M., Tos.izd. National dictionary. 1858).
4. Саидов М. Ўзбек давлатчилигида бадий маҳорат. -Тошкент: Ёзувчи, 1992. (Caidov M. Artistic mastery in Uzbek statehood. - Tashkent: Writer, 1992.)
5. Раззоқова Г. Хоразм халфачилиги санъати тарихи. Рисола. -Тошкент, 2016. (Razzoqova G. History of the art of Khorezm caliphate. Risola. -Tashkent, 2016.)
6. Сараланган саҳифалар. Мусулмонлар тақвим китобларидан. -Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. (Sorted pages. From the Muslim calendar books. -Tashkent: Movarounnahr, 2003).
7. Салоҳиддин Муҳиддин. Ислomда ўлим ва жанoза масалалари. -Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000. (Salohiddin Muhiddin. Issues of death and funeral in Islam. - Tashkent: Movarounnahr, 2000).
8. Рўзимбоев С., Рўзметов Х. Фольклор атамалари қисқача луғати. - Урганч, 2007. -Б.27. (Ruzimboev S., Ruzmetov H. A concise dictionary of folklore terms. - Urgench, 2007. -P.27.)
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябр "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги 222-сон қарори (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated October 7, 2010 No 222 "On approval of the State Program for protection, preservation, promotion and use of intangible cultural heritage for 2010-2020")//Lex.uz



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

**ЎТМИШГА НАЗАР**

---

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

---

**LOOK TO THE PAST**

**№4 (2020)**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000